

## ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ ТУШУНЧАСИ

1. Ҳуқуқий тарбия методика курсининг аҳамияти.
2. Ҳуқуқий тарбия- умумий тарбиянинг ажралмас қисми.
3. Ҳуқуқий тарбия тушунчаси.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида халқимизнинг асосий мақсадларидан бири инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат барпо қилиш деб кўрсатилган.

Ҳуқуқий давлат қуриш учун эса шу давлат пойдеворини яратувчилар ҳуқуқий жиҳатдан билимли, тарбияли, онгли бўлишлари керак. Қонун-қоидаларни биладиган, уларга риоя қиладиган, жамият ишларини бажаришда маданий савияси юқори бўлган шахсларни шакллантириш борасида ҳуқуқий тарбия алоҳида ўрин эгаллайди.

Ҳуқуқий тарбия эса умумий тарбиянинг ажралмас қисми бўлиб, инсонни жамиятда ўрнатилган қонун-қоидаларга риоя этиш, уларни ҳурмат қилишга чорлайди. Ҳуқуқий тарбияга алоҳида эътибор бериб, юртбошимиз И.А.Каримов, Иқтисодий, сиёсий ва энг аввало ҳуқуқий маконга тегишлича босқичма-босқич таъминланиб борилмас экан, инсоннинг барча ҳуқуқлари-давлат ишларини юритишда қатнашиши, эътиқод эркинлиги, йиғилишлар, уюшмалар эркинлиги ва шу каби ҳуқуқлар ҳавода муаллақ бўлиб қолаверади, деб таъкидлаши бежиз эмас.

Ҳуқуқий давлатни барпо этишда қатнашувчи шахс: ҳуқуқ ва эркинликларинигина билиб қолмасдан, демократиянинг туб маъносини англаши лозим. Чунки демократия ҳуқуқий давлатнинг таркибий қисмидир. Ҳуқуқий давлат инсон шахсини энг олий қадрият сифатида эътироф этишга ва тўла-тўқис қабул қилишга асосланган яхлит амал қилувчи тизимидир. Бу тизимни билиш, унинг асосларига риоя этишда, ҳар бир шахснинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш - давр талабидир.

Ҳуқуқий тарбиянинг дастлабки босқичи аслида боғчада, мактабда бошланади. Лекин тарбия берувчи шахс унинг методини, йўллари билмас, тўғри тарбия бера олмайди.

Ҳуқуқий тарбия методикасини тизимлаштириш ва янада такомиллаштириш ҳозирда педагоглар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Ҳуқуқий тарбияни кенг ва тор маънода кўриш мумкин. Кенг маънода бутун жамоанинг, кўрчиликнинг онгига таъсир кўрсатишга қаратилган тарбия, тор маънода эса алоҳида шахсга, унинг онгига таъсир этиш йўллари тушунилади.

Ҳуқуқий тарбия натижасида кенг омма ёки айрим шахс ўз хатти-ҳаракатининг қонуний эканлигини тушунса, ҳуқуқий тартиботни бузмасликка ҳаракат қилса, ўзини онгли равишда, ҳуқуқ нормаларига риоя этган ҳолда бошқара олса, мақсадга эришилган бўлиб ҳисобланади.

**Демак, ҳуқуқий тарбия бу - ташкилий равишда мунтазам олиб бориладиган, аниқ мақсадни кўзлаган ва шахсга (гуруҳ, шахсларга)**

**таъсир қиладиган, уларга ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим, қонунларга риоя этиш хислатларини вужудга келтирадиган ҳаракатдир.**

Маълумки, қонунга риоя қилиш учун, энг аввало уни билиш керак. Ҳуқуқий тарбия орқали ҳар бир шахсинг онгига, нима қилмоқ мумкин, нима қилмоқ мумкин эмаслигини, жамият, давлат ундан нимани талаб қилади, қонунга риоя этиш йўллари нимадан иборат эканлиги етказмоқ лозим.

Тартиб бузувчилар орасида ўз хатти-ҳаракатини ноқонунийлигини англамаслик, ноқонуний экан деб ҳам ўйламаслик ва бундай ҳаракатни жазога лойиқ эмас деб тушуниш кўп учрайди. Шундай тушунча ҳосил бўлмаслиги учун тарбия жараёнида ҳар бир жамоада ўрнатилган тартибни бузиш, қонун нормаларига риоя этмаслик натижасида интизомий, маъмурий, моддий ёки жиноий жазо келиб чиқишини тушунтириш, уқтириш зарур.

Шахс ва жамият ўртасида вужудга келадиган муносабатларнинг жамият ривожланиш принципларига мос бўлиши шахс фаолиятининг йўналтириб турувчи ҳаётий позицияга боғлиқ. Ҳаётий позиция эса тарбия жараёнида шаклланади. Шу сабабдан ибтидоий жамоа тузуми давридаёқ шахс тарбиясини жамият ўз назоратига олган ва бу вазифани бажаришни энг доно кишиларга топширган.

### *Савол ва топшириқлар*

1. Ҳуқуқий тарбия нима?
2. Шахс ва жамият ўртасида вужудга келадиган муносабани кўрсатинг.

### **Ёшлар ҳуқуқий тарбиясида улуғ мутафаккирларимиз ўғитларидан фойдаланиш**

1. Ҳуқуқий тарбияда улуғ мутафаккирлар ўғитларининг аҳамияти.
2. Амир Темурнинг ҳуқуқий тарбиядаги қарашлари.
3. Форобий, Ибн Сино ёш авлод тарбияси ҳақида.

Ёшлар ҳуқуқий тарбиясини амалга ошириш жараёнида ўтмишдаги улуғ мутафаккирларнинг тажрибасига таяниш муҳим аҳамият касб этади. Марказий Осиёда қадимдан бола тарбиясига катта эътибор бериб келишган. Масалан, Амир Темур ўз панд-насихатларида шундай деб айтган:

«Бўлар одам ёшида бош бўлар,  
Бўлмас одам қирқида ҳам ёш бўлар».

«Чақалокларни йиғлатмангиз, болаларга озор бермангиз –бу гуноҳи азим эрур. Бундай гуноҳни Оллоҳ хуш кўрмагай...». Юқоридаги сатрлардан Амир Темур болаларга ёшлиқдан тарбия беришда ота-онага ва бошқа шу иш билан шуғулланувчиларга миллат дардига дармон бўладиган шахсларни тарбиялашни

васият қилган. Чунки миллатни улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ учун ишбилармон, мард, тадбиркор шахсларни етказиш зарур.

Абу Носир ал Фаробий давлатни бошқарувчи шахснинг тарбиялигига кенг таъриф бериб, бу тарбия ёшликдан амалга оширилган бўлиши керак, деб таъкидлайди. Ўзининг: «Қонунлар ҳақида китоб», «Бахт-саодатга эришиш йўллари ҳақида рисола», «Шаҳарни бошқариш», «Фазилатли хулқлар» асарларида ижтимоий турмуш тўғрисидаги фан, унинг вазифалари, инсоният жамиятининг шаклланишида ҳар бир одамнинг ўрнини кўрсатган.

Фаробий ҳар бир кишининг бахт-саодатига эришишида ёлғиз ўзи эмас, кўплаб кишиларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракати, одамлар фаолияти, бу давлатда яшовчи инсонпарвар, инсонга муҳаббатли, юксак ахлоқий кишилар таъсирида бўлишга интилиш кераклигини кўрсатган.

Хукмдор, Фаробийнинг фикрича, муайян интеллектуал ва ахлоқий фазилатларга эга бўлиши, бошқаришнинг умумий қонунларини билиши, ҳамда ўз мамалакати одамларини орқасидан эргаштира билиши, тарбиялай олиши, уларни ялпи фаровонликка эришишга йўллай олишга интилиши керак.

Фаробийнинг тарбия тўғрисидаги фикрлари, ижтимоий-сиёсий таълимоти Ибн Маскавий, Беруний, Ибн Сино асарларида янада ривожлантирилади.

Беруний фуқаролар томонидан бошқариладиган давлатни идеал давлат деб ҳисоблаган. Лекин бу давлатни ҳар ким ҳам бошқара олмайди, уни ҳақиқий тарбияга эга шахс бошқаришини кўрсатиб, тарбия жараёнида оддийликдан мураккабликка эришиш кераклигини, тарбия кўп қиррали, ҳар хил кўринишда бўлиши, тарбияланувчини тарбиячи ўзига жалб эта олишини муҳим деб билган.

Ибн Синонинг фикрича ёш авлод тарбиясида атроф муҳит улкан ўрин эгаллайди. Шахснинг тарбияси бу бир кунлик ёки бир йиллик иш эмас эканлигини, тарбия мураккаб бўлганлиги туфайли тарбиячи саб-тоқатли бўлиши кераклигини исботлаган.

Ҳуқуқий тарбия жараёнида Жалолоддин Давонийнинг ўғитлари муҳим аҳамият касб этади. Унинг «Психология трактати», «Бола тарбияси методи» асарларида тарбиянинг мезони болалик йиллари эканлиги кўрсатилган. Бола ҳамма нарсани ўзига олади, яхши-ёмонни ҳам, чунки унинг ақли фарқлаш хусусиятига эга эмас. Шунинг учун бола тарбиясига шошилмасдан, сабр билан ёндошиш зарурлигини билдирган.

Ёшлар тарбиясида буюк адибларимиз Алишер Навоий, Жомий, Ҳамзаларнинг насихатлари ҳам муҳим роль эгаллайди. Алишер Навоийнинг фикрича, тарбияни болалик давридан бошлаш зарур. Лекин, тарбиячи ўзи билимли, ахлоқли бўлиши, энг аввало болаларни севиш хусусиятига эга бўлиши шартлигини кўрсатган.

Юқоридаги бола тарбиясига берилган насихатлардан ҳозирги тарбиячилар ўз тажрибаларида фойдалансалар ва бугунги янги илмий қарашлар билан боғлаб ёндошсалар, албатта яхши натижа олиш мумкин. Демак, инсон тарбияси унинг ҳаётдаги ўрнини аниқлаш, шахсни яшашга ўргатиш жамият фаолиятининг муҳим соҳаларидан бўлиб келган. Тарбиянинг ижтимоий вазифаси шахсни бирор-бир рўйдали ишга, фаолиятга ўргатиш демакдир.

## Савол ва топшириқлар

1. Амир Темур болаларга қандай муносабатда бўлишни ўргатган?
2. Фаробийнинг “тарбия ёшлиқдан амалга оширилади” деган фикрини изохлаб беринг.

### **Ҳуқуқий тарбияда ахлоқ нормаларининг ўрни**

1. Ҳуқуқий тарбия ва ахлоқ.
2. Ҳуқуқий тарбияда ахлоқий тарбиянинг ўрни.
3. Ҳуқуқий тарбияда инсон онгининг аҳамияти.

Ҳуқуқий тарбия ҳамма турдаги тарбиянинг умумий йўналишлари каби қадим замонда вужудга келган ва давлат мавжуд бўлгандан буён унга боғлиқ ҳолда ривожланган. Ҳуқуқий тарбия, тарбиянинг умумий принциплари асосида олиб борилса ҳам, ўзига хос махсус характерга эгадир. Ҳуқуқий тарбия деярли ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Бинобарин, ҳуқуқий тарбия давлат томонидан белгиланган махсус тарбия тизимларида ташкил топади ва аниқ мақсадни кўзда тутади.

Ҳуқуқий тарбия бошқа турдаги тарбия билан ўзаро яқин. Масалан, шахсда меҳнатга бўлган муносабатни шакллантиришда уни кўр-кўрона итоаткорликка эмас, балки жамият ва давлат манфаатларига, давлатнинг тартиб ва қоидаларини ҳурмат қилишга ўргатиш лозим.

Ахлоқ нормалари билан ҳуқуқ нормалари билан бир-бирига айниқса яқин туради. Шахс алоқасиз бўлса, у қонун талабига риоя қилмайди. Бинобарин, бундай шахсни ҳуқуқий тарбиялаш самарасиз бўлади, ҳатто жазо чоралари ҳам уни йўлга солиши қийин.

Энди ахлоқий ҳуқуқий тарбияни олиб кўрайлик. Шахсни ахлоқий тарбиялашда унинг онгида ва фаолиятида умумий ахлоқий принципларни шакллантиришга интиламиз. Лекин, ҳар бир касб ва мутахассисликнинг ўзига хос ҳуқуқий этикаси борки, шахс унга риоя қилмаса, унинг меҳнат фаолияти, муомаласи жамият талабига жавоб бермайди. Масалан, мактаб, олий таълим раҳбарларнинг этикаси хушмуомалалик, ҳозиржавоблик, ўрнатилган ички қоидаларга тўғри амал қилиш каби ахлоқий ва ҳуқуқий элементлардан ташкил топади. Раҳбар қонун-қоидага риоя этилишини рўқач қилиб, педагогик жамоага кўпол муомалада бўлса, уларнинг арзини тингламаса, расмиятчиликка берилиб, раҳбарлик этикасини бузиши мумкин. Бу ерда айрим шахсларга хос индивидуализм рўёбга чиқади. Индивидуализм эса ҳар бир кишининг психологиясига бевосита таъсир кўрсатади. Инсон табиатидаги онгли ва онгсиз хатти-ҳаракатларининг ҳаммасидан фойдаланади. «Нигилизм, шафқатсизлик даражасига бориб етаётган худбинлик ҳоллари...» Юз бераётганлиги ҳам тасодифий эмас. Буларнинг барчаси, бизнинг назаримизда, - дейди

И.А.Каримов – индивидуализмнинг бузилган кўриниши, тарбиядаги нуқсонлар ва атроф-муҳит таъсиридан бошқа нарса эмас.

Инсон табиатидаги онгли-онгсиз тушунчаларни тўғри йўлга солишда, қонун-қоидаларга риоя этишда, адолатли бўлишда ҳуқуқий тарбия, унинг методлари муҳим аҳамият касб этади.

Бинобарин, ҳуқуқий тарбия методининг ўзига хос хусусиятларидан бири шахс онгида ҳуқуқий тушунчаларни тарбиянинг бошқа йўналишлари билан биргаликда шакллантириш, яъни ҳар бир ҳуқуқий тарбия элементини унга мос бўлган ғоявий, ахлоқий, этик принципларга боғлиқ ҳолда тушунтиришдан иборатдир.

Умумтарбия йўналишлари таълим ва амалий нуқтаи назаридан чексиз бўлиб, аниқ ҳажмга эга эмас. Масалан, шахсни ғоявий жиҳатдан етук деб ҳисоблаш учун қандай ҳажмда назарий билим бериш керак? Ёки шахсни меҳнаткаш деб ишонч ҳосил қилиш учун уни меҳнатга қандай ва қанча ўргатиш керак? Шахс ҳуқуқий жиҳатдан тарбияланган деб узил-кесил нуқта қўйиб бўлмайди, тарбия узлуксиз давом этади. Ҳуқуқий тарбияда ҳам шундай хусусиятлар мавжуд. Лекин унинг ўзига хос характери шундаки, таркиби маълум даражада ҳажм ва чегарага эга. Чунки давлат томонидан белгиланган тартиб, қонун-қоидалар аниқ доира ва ҳажмда бўлади.

### *Совар ва топшириқлар*

1. Ҳуқуқий ва ахлоқий тарбиянинг нима билан боғлигини курсатинг.
2. Онгли ва онгсиз ҳаракат деганда нимани тушунасан?

### **Ҳуқуқий тарбиянинг таркибий қисмлари**

1. Ҳуқуқий тарбиянинг таркибий қисми.
2. Ҳуқуқни ўқитиш.
3. Ҳуқуқни ташвиқот қилиш.

Ҳуқуқий тарбия тизими уч таркибий қисмдан ташкил топади: давлат белгиланган қонун-қоидаларини ўқитиш, уларни жамият аъзолари ўртасида ташвиқот қилиш, ўқувчи ёшларни қонун-қоидалар ижросида бевосита иштирок этишга ўргатиш.

Ҳуқуқ, нормаларини ўқитиш дейилганда давлат органлари томонидан тасдиқланган дастур асосида шахсга юридик билим бериш тушунилади. Юридик билим бериш умумий ва махсус йўналишларда бўлиши мумкин. Масалан, юридик институтлар факультетларида юрист малакаси, Ички ишлар вазирлигининг Академиясида юрист-оператив ходим малакаси берилади. Халқ таълими тизимининг барча бўғинларида аниқ дастур асосида умумий ҳуқуқий билим берилади.

Ҳуқуқий нормаларни ташвиқот қилиш деганда жамият аъзолари билиши лозим бўлган қонун-қоидалар, қарорлар, фармонлар, фармойишлар, буйруқ ва

йўлланмаларнинг воситалари ёрдамида аҳоли орасида ташвиқот қилишни тушунилади. Ҳуқуқ нормаларини аҳолига тушунтириш муҳим қонунчилик принципи бўлиб ҳисобланади.

Фуқароларни қонун-қоидалар ижросида иштирок этишга ўргатиш уларни ташкилий усуллар ёрдамида давлат белгилаган тартиб интизомга одатлантиришдир. Шахс қонун қоидани билгани, тушунгани билан ундан қандай фойдаланиш, уни қандай ижро этишни билмаса, қонунда белгиланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Агарда, умумий ўрта таълимда ўқув китоблари ўқувчиларга бепул тарқатилса, ўқувчиларга китобни асраш, улардан фойдаланиш тартиби ўргатилиши лозим. Акс ҳолда давлатга моддий зарар етиши мумкин.

Ҳуқуқий тарбиянинг мақсади маълум воситалар, шакл ва методлар ёрдамида шахснинг онгига таъсир кўрсатиб, унда давлат белгилаган қонун-қоидалар итоаткорликни, давлат сиёсатини ижро этиш ҳамда ўз хатти-харакатини шакллантиришдан иборатдир.

### *Савол ва топшириқлар*

1. Ҳуқуқий тарбиянинг таркибий қисми нимадан иборат?
2. Ҳуқуқий нормаларни ташвиқот қилиш деганда нимани тушунаси?

### **Ҳуқуқий тарбиянинг вазифалари**

1. Ҳуқуқий тарбиянинг асосий вазифалари.
2. Ҳуқуқий тарбиянинг турлари.
3. Оилада, мактабда ҳуқуқий тарбия.

Ҳуқуқий тарбия олдида қўйган умумий вазифа шахсга қонунларни ва унга амал қилиш йўлларини ўргатишдир. Ҳуқуқий тарбиянинг юридик вазифаси шахсга муайян ҳолатларда зарур ҳуқуқий нормаларни қўллаш олиш қобилиятини тарбиялашдир.

Ҳуқуқий тарбия оилада, боғчада, мактабда, билим юртларида, олий ўқув юртларида олиб борилади. Ҳуқуқий тарбия – тарбияланувчиларнинг хулқ-атворида таъсир кўрсатувчи, уларни тартиб доирасида тутиш учун асос бўла оладиган билим беришдир. Лекин тарбиячи фақат билим берибгина қолмасдан тарбияланувчиларга ҳар ҳил шаклда таъсир ҳам ўтказиши керак.

Ёшлар тарбияни, аввало, оилада ота-онасидан олади. Хаммамизга маълумки, бола яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам энг аввало оиладаги катталарнинг хатти-харакатидан ўрганади. Ота-оналар ўз хулқ-атворлари билан фарзанд ҳурматида сазовар бўлишлари, унинг ҳаёт йўлида ўрнак бўлишлари лозим.

Ҳуқуқий тарбия бир неча қисмлардан иборат бўлиб, умумий тарбиянинг бир туридир. Болани тарбиялаш учун аввало ота-оналарнинг ўзлари ҳаётни яхши билишлари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини, унда кўрсатилган фуқаролик тушунчасини, фуқаролар ҳуқуқи, эркинликлари ва

бурчлари нимадан иборат эканлигини ўрганиб чиқишлари шарт. Улар қонунларда кўрсатилган, ҳамма учун мажбурий бўлган ҳуқуқий қоидаларни билганларидан кейингина уларни ўз фарзандларига аста-секин ўргатиб, тушунтириб борадилар.

Масалан, жиноят ҳуқуқидан – жиноят тушунчасини, вояга етмаганлар қандай жиноятлари учун жиноий жазога тортилишлари мумкинлигини, жазо тушунчасини ва бошқаларни тушунтира билишлари лозим. Масалан, ҳамма ота-оналар вояга етмаганлар 13 ёшдан оғирлаштирилган ҳолатда одам ўлдиришда иштирок этиши учун жиноий жазога тортилишини билмайди. Буни билиб, ўз фарзандларига тушунтиришлари эса жиноятнинг олдини олишга ёрдам беради.

Матбуот орқали эълон қилинган жиноят тўғрисидаги мақолаларни оилада фарзандлар билан биргаликда ўқиб, муҳокама қилиш лозим. Меҳнат ҳуқуқидан ота-оналар вояга етмаганларнинг меҳнат ҳуқуқларини, уларга давлат ғамхўрлиги нималардан иборат эканлигини ва меҳнат ҳуқуқига тааллуқли бошқа масалаларни ўргатишлари лозим.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи 16 ёшдан, айрим ҳолларда 14 ёшдан ҳам берилади. Лекин вояга етмаганларга давлат ғамхўрлик қилиб, қисқартирилган иш вақти ҳафтасига, 36 соат 16 ёшдан 18 ёшгача ва ҳафтасига 24 соат 14 ёшдан 16 ёшгача, меҳнат таътиллари 24 кун, вояга етмаганлар қачон хоҳласа - қишда ёки ёзда бу таътилни олишлари, оғир ишларда улар меҳнатидан фойдаланиш мумкин эмаслигини ва бошқа имтиёзлар белгиланганлигини уқтириб бориш керак.

Ёшларга табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунларни тушунтириб, нима мақсадда бу ишлар қилинишини ҳам айтиб бориш лозим. Давлат табиат бойликларини муҳофаза қилишни, уларнинг фақат кишиларнинг ҳозирги авлодлари манфаатлари йўлидагина асраш йўлида қонунийликни таъминлайди. Фарзандларимиз шуни аниқ тушунишлари керакки, табиатнинг бугунги неъматларини эртага бошқалар ҳам кўришлари керак. Шунинг учун мамлакатимизнинг кам учрайдиган ҳайвон ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш, асраш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Шунингдек, ота-оналар баҳор фаслида қалдирғочларга уйчалар ясаб, уларнинг учиб келишларини кутишлари, дарахт экиб уларни парваришлашлари ҳам боланинг ҳаётида ўрناк бўлади.

Фуқаролик ҳуқуқи ҳақида тушунтирганда, аввало ота-оналарнинг ўзлари фуқаролик муносабатларини билишлари керак, албатта. Фуқаролик ҳуқуқи кишилар ўртасидаги, корхона, муассаса, ташкилотлар, хуллас, жамиятда мулкӣ муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади. Масалан, олди-сотди, қарз бериш ёки олиш, турар жойини ижарага қўйиш ва ҳоказолар. Мактаб ўқувчиси кутубхонадан китоб олди, агар китобни йўқотса ёки йиртса энди уни тўлаши шарт, Сиз яшаб турган уй ҳар ойда ҳақ тўлаб туришни талаб қилади, агарда ҳақ тўланмаса, белгиланган вақт ўтгандан сўнг, чора кўрилиши мумкин. Магазинда нарса олганда, албатта, сотувчи нархга қараб ҳақ олади, нархи тўланмасдан олиб чиқиб кетилса, жазога тортилади.

Фукаролик муносабатида бўлишда ҳуқуқ лаёқати билан муомала лаёқати нималардан иборат эканлигини билиш ҳам керак. Ҳуқуқ лаёқати инсон туғилиши билан берилиб, ўлиши билан тугайди, муомала лаёқати вояга етмаганлар учун 15 ёшдан 18 ёшгача, тўлиқ, муомала лаёқати 18 ёшдан берилади. Руҳий касалликлари бор, ичкиликка ружу қўйган ва нашавандлар муомалага лаёқатсиз ҳисобланадилар.

Оила қонунлари бўйича ота-оналар фарзандларга оила никоҳ тушунчаларини, ота-она фарзандларга бир-бирларига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва бурчларини ўргатмоқлари лозим.

Айрим ота-оналар хали фарзандларимиз кичкина, оилавий турмуш ва фарзанд масалалари билан кейинроқ танишар, деб ўйлайдилар. Лекин оилавий турмуш билан фарзанд ёшлигидан таниш бўлгани ўринлидир. Масалан, ота-она бир-бирини нега яхши кўришади, нега фарзандга меҳр қўйишади, нега улар энг яқин инсонлар деб танилганлар? Оила – бу ота-она, фарзандлар ва қариндош-уруғлардан тузилган уюшма деймиз. Демак, фарзанд ёшлигидан қариндош-уруғлар кимлар, улар бир-бирлари билан қандай боғланган деган саволларга жавоб бера олиши, буни тушуна билиши ўринлидир.

Никоҳ эса эркак ва аёл ўртасида тузилган ихтиёрий битим бўлиб, ФХДЁ орқали расмийлаштирилади. Никоҳ ёшига етиш, турмуш қуриш учун унга ҳар томонлама тайёр бўлиш, яхши касбни эгаллаш, эр-хотин олдида турган бурчларни тушунтириш ота-онанинг вазифасидир. Маълумки, айрим ёшларимиз хали никоҳ тушунчасига эга бўлмасдан никоҳдан ўтишади, ҳаётда учраган биринчи қийинчиликларга бардош беролмасдан ажралишади, айрим ёшларимиз эса ўзларини нобуд қиладилар.

Оиладаги бурч масаласини фарзандларга ўргатишдан олдин ота-оналарнинг ўзлари уларга ўрнак бўлишлари шарт. Эр-хотин ўз меҳнатлари бир бирларига бўлган муносабатлари, хатти-ҳаракатлари билан фарзандларига тўғри ёки нотўғри йўл кўрсатишлари мумкин. Оиладагиларнинг бир-бирларини ҳурмат қилишлари, касал бўлганида, меҳнат қобилиятини қисман ёки бутунлай йўқотганида ғамхўрлик қилишлари, ёрдам беришлари нимадан иборат эканлигини ҳам тушунтириш керак. Ота-она фарзандини вояга етказди, едиради, қийинтиради? Фарзанд-чи? Фарзандлар ҳам ўз ота-оналари олдидаги бурчларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан ўқиб, тушуниб олишлари шарт. Уларнинг оила бюджетини, уй-рўзғор масалаларини, оила меҳнатини ҳам яхши тушуниб олишларига ота-она ёрдам беришлари керак. Ҳар куни берилган ишни вақтида бажарилиши талаб қилиб турилса, бола шунга ўрганади. Меҳнат қилишни ўрганган, ота-онасининг оғирини енгиллата одатланган бола, ҳуқуқ қоидаларини бузишга йўл қўймайди.

Ҳуқуқий тарбия шакллари қуйидагиларга бўлиш мумкин: а) ҳуқуқий билим; б) ҳуқуқий ташвиқот; в) жамоатчилик томонидан олиб бориладиган ишлар; г) ҳуқуқий ҳимоя қиладиган давлат органларининг ишлари билан танишиш (тергов, суд жараёнларида қатнашиш), халқ депутатларини номзодликка тавсия қилиш мажлисларида, маҳаллий ҳокимиятлар қошидаги вояга етмаганлар комиссиялари ишларида иштирок этиш. Ҳуқуқий тарбияни жамоа ўртасида ёки индивидуал шаклда амалга ошириш мумкин.



### *Савол ва топшириқлар*

1. Ҳуқуқий тарбиянинг асосий вазифаси нима?
2. Оилада, боғчада қандай ҳуқуқий тарбия олиб борилади?

### **Ҳуқуқий тарбиянинг асосий гуруҳлари**

1. Ҳуқуқий тарбиянинг гуруҳлари.
2. Давлат-ҳуқуқий нормалари.
3. Фуқаролик-ҳуқуқий нормалари.

Маълумки, ҳуқуқий нормалар уч асосий гуруҳга бўлинади: давлат - ҳуқуқий нормалари, фуқаролик - ҳуқуқий нормалари, жиноят ҳуқуқий нормалари. Ҳуқуқий нормалар назарий қисмини тушунтириш, ҳуқуқий тарбиянинг асосий мақсади бўлса-да, лекин тарбияланувчиларни уларнинг амалий оқибати ёки қўлланиш амалиёти билан таништириш муҳим дидактик принципдир. Давлат ҳуқуқий нормаларини тушунтиришда қонунчилик, қонунийлик, давлат органлари, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари, ҳуқуқий давлат қурилиши, маъмурий, интизомий, жиноий, модий жавобгарлик мавзуларида амалий машғулот ўтказиш мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқий нормаларини амалий машғулотлар қўллаш йўли билан тушунтириш самарали бўлади. Масалан, битимлар тузиш, ижарага уй-жой бериш, фуқароларнинг меҳнат шартномасини тузишлари ва бошқаларни мисоллар тариқасида ўргатиш ўқувчилар билимини мустаҳкамлайди.

Ҳуқуқий нормаларини баён этаётганда, ўқитувчи суд жараёнидан, тергов органлари ишларидан мисоллар келтириб, бирор жиноий ишнинг муҳокамасини тингловчиларнинг ўзлари иштирокида амалга оширса, назарий билан амалиётнинг қўшилганлиги ўқувчиларнинг билимини мустаҳкамлайди

### *Савол ва топшириқлар.*

1. Ҳуқуқий тарбиянинг асосий гуруҳларини курсатинг.
2. Ҳуқуқбузорлик қандай турларга бўлинади?

### **Ҳуқуқий тарбия элементлари**

1. Ҳуқуқий тарбия элементлари.
2. Ҳуқуқни ўрганиш тушунчаси.
3. Ҳуқуқни ўргатиш тушунчаси.

Тарбия жараёни икки элементдан – ўрганиш ва ўргатишдан иборат. Тарбиячининг асосий вазифаси бу ягона жараён элементлари нимадан ташкил топишини, яъни тарбиячи нимани ўргатиши, тарбияланувчилар эса нимани ўрганишлари кераклигини аниқлашдир. Тарбиячи ўрганиш жараёнида

рахбарлик қилиш, аудиториядагилар онгига ҳуқуқий билимларни сингдириш учун тарбияланувчилар қобилиятидан хабардор бўлиши лозим.

Ўрганиш жараёни, яъни тарбияланувчилар фаолияти, ўқувдан, билимга эътибордан, саводхонликдан ташкил топади. Ҳуқуқий тарбияда ўрганиш жараёнини тўла шакиллантириш қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботини мустаҳкамлаш учун замин яратади.

Маълумки, шахсдаги атроф-муҳит тўғрисидаги тушунча унинг онгига таъсир этади. Онгсиз киши ўз инсоний қиёфасини йўқотади, яъни ўз хатти-ҳаракатларини билиб идрок этмайди. Шахснинг онгли равишда ҳаракат қилиши ёки ҳаракатдан ўзини тийиши унинг руҳий ҳаловатига боғлиқ.

Шахс фаолиятининг бошқа кўринишлари каби ўқув жараёни ҳам руҳий хусусият билан боғлиқдир. Ўқитувчи ўргатилаётган ҳуқуқий нормаларнинг ўқувчилар онгига сингдиришини назорат қилиб туриши керак. Бунинг учун ўқитувчи дарсни ўзлаштириш жараёни қандай ўтаётганини, ўқувчилар ҳуқуқий ҳужжатларни қандай қабул қилаётганларини эслаб олаётганларини кузатиб боради ва уларнинг руҳий хусусиятларига суянган ҳолда тарбия жараёнини тартибга солиб туради.

Шахсда ҳуқуқий нормалар ҳақидаги тушунча, унинг руҳиятига асосланган ҳолда ривожлантирилади. Шунинг учун тарбиячи ўз қарамоғидаги тарбияланувчилар руҳиятини ўрганмасдан туриб, олдига қўйган мақсадига эриша олмайди. Агар тарбиячи ўқувчи руҳиятини ўрганса, унга яккама-якка таъсир кўрсати имкониятига эга бўлади.

### *Савол ва топшириқлар*

1. Ҳуқуқий тарбия элементлари қандай турларга бўлинади?
2. Ҳуқуқий тарбиянинг ўрганиш, ўргатиш жараёнларини изохлаб беринг.

### **Ҳуқуқий тарбия методлари**

1. Ҳуқуқий тарбия методлари.
2. Ишонтириш, мажбурлаш методи.
3. Психологик метод тушунчаси.

Ҳуқуқшунослар ҳуқуқий тарбия методларини одатда икки турга бўладилар – ишонтириш ва мажбурлаш. Ҳуқуқий тарбия методи – бу бир муайян йўл ва усуллар йиғиндиси бўлиб, улар асосида кишилар онгига, дунёкарашига таъсир қилади. Бунинг натижасида тарбияланувчиларда қонунга ҳурмат ҳисси уйғотилади ва қонунинг бузилмаслиги таъминланади.

Энг асосий метод – бу ишонтириш методи. Ишонтириш орқали ижобий натижага эришилмаса, мажбурлаш методи қўлланилади. Ҳуқуқий тарбияда бу икки методни бирга қўллаш ҳам мумкин.

Ҳукукий тарбиянинг самарадорлиги кўп жиҳатдан психологик методига ҳам боғлиқдир. Психология методи уч қисмга бўлинади: кузатув – ички ва ташқи кузатув; тажриба методи – лабораторияларда; сўраш ва суҳбат методи – биография фаолияти ва бошқа хусусиятларни ўрганиш.

Кузатув методи жамоани ва бошқа шахсни ҳукукий тарбиялашда қўлланилади. Жамоага нисбатан ташқи кузатув методини, шахсга нисбатан ҳам ташқи, ҳам ички кузатув методларини қўллаш мумкин. Масалан, мактаб жамоасида айрим ўқувчиларнинг тарбиясизлиги, тўполончилиги, кўпол хатти-ҳаракатлари оқибатида асбоб-ускуни, ўқув қуроллари, эшик-деразалар синиши, мактабга зиён келтириши мумкин. Бундай ҳолларда ташқи кузатув методига асосланиб, ҳукукий тарбиянинг йўналишлари аниқланиб олиниши мумкин.

Ички кузатув методи фақат индивидуал ҳукукий тарбияда қўлланилади. Ўқувчиларнинг ички кечинмаларини кузатиб бориш, уларнинг руҳий ҳаракатларига эътибор бериш тарбиячига маслаҳат ва йўл йўриқлар мазмунини аниқлашга имкон яратади.

Тажриба методи – жамоа, маълум ҳудудда текширишлар ўтказиш, аниқлаш, тадқиқот ўтказиш йўли билан қўлланилади. Бунда жамоанинг ёки айрим шахсларнинг ҳукукий тарбиялашнинг зарур ҳамда самарали шакл ва методлари илмий асосда аниқланади. Масалан, жамоада ҳукукий тартиботнинг бузилиши сабабларини, маълум ҳудудда такрорланаётган жиноий ҳаракат сабабларини махсус усуллар орқали ўргани ижобий натижалар беради.

Тажриба методини амалга ошириш учун тингловчиларни шу ҳудудда жойлашган суд орағнларига олиб бориб, суд ишини кўриш жараёнида қатнаштириш, у ердаги иш юритилиши билан таништириш, сўнг дарс жараёнида ёки дарсдан ташқари машғулотларда муҳокама қилиш, фанни ўзлаштиришга ёрдам беради.

Ўтилган мавзуларни кенг тушуниб олиш учун тингловчилар билан айрим суд жараёнига боғланган мақолалар, кинофильмларни муҳокама қилиш ҳам ҳукукий тарбиянинг кўп қиррали, қизиқарли, кенг чораларини аниқлашга ёрдам беради.

Табиий экспериментал методи – айрим шахсларни ҳукукий тарбиялашда қўлланилади. Масалан, ақли заиф руҳий беморлар ўзлари содир этган ҳаракатларининг ҳукукий оқибатига қандай муносабатда бўлганликлари аниқланади ва тарбиявий чора белгиланади.

Сўраш методи – фақат индивидуал характерга эга булса, суҳбат методи жамоани ҳукукий тарбиялашда қўлланиши мумкин. Сўраш суриштириш методи айниқса ҳуқуқ-тартибот, қонун-қонидани бузувчиларга нисбатан, қонунчиликни мустаҳкамлаш мақсадида кўриладиган тарбиявий чораларни белгилашда катта аҳамиятга эга. Суҳбат методи жамоанинг ҳукукий ҳолатини ўрганишда уларга норматив актларни ўргатиш ва ташвиқот қилишда жуда қўл келади.

### *Савол ва топшириқлар*

1. Ҳукукий тарбиянинг методларини изоҳлаб беринг.

2. Психиологик метод қандай қисмларга бўлинади?

### **Ҳуқуқий тарбия ва шахс руҳияти.**

1. Ҳуқуқий тарбияда шахс руҳиятининг аҳамияти.
2. Шахснинг кузатувчанлик қобилияти.
3. Шахснинг қонунни ижро этиш қобилияти.

Шахс руҳияти унинг онги билан баробар шаклланади. Ижтимоий онг жамиятда ҳукмрон бўлган ғоялар – сиёсий, фалсафий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, диний дунёқарашлар тизимидан ташкил топади.

Ҳуқуқий нормалар ҳам шахс руҳияти шаклланишда ижобий аҳамиятга эга элементлардандир.

Ҳуқуқий тарбия ҳуқуқий онгни шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, аввало, шахслар руҳиятига таянади ва уларнинг ҳолатига таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий тарбия ёрдамида шахслар руҳиятида қонунийликка риоя қилишда асос яратилади, бу муҳит айрим шахслар руҳиятини тўғри йўлга солиш негизига айланади.

Демак, ҳуқуқий тарбиянинг кучи биринчи галда шахслар руҳиятида ҳуқуқий онгни тарбиялашга қаратилиши лозим. Индивидуал руҳият жамоа руҳияти таъсирида ва унинг таркибида ривожланади, яъни улар ажралмас бир жараённи ташкил қилади.

Ижтимоий онгли шахс ҳуқуқий тарбия мақсадини тезда ўзлаштириб олади. Агар шахс руҳиятида тартиб бузиш кайфияти ўрнашган ва илдиз отган бўлса, уни жамоа тарбиялай олмайди, унга нисбатан мураккаб индивидуал тарбия чораларини кўриш зарур бўлиб қолади.

Атроф муҳит, воқелик ва ҳодисаларнинг киши сезги органлари орқали онгда бевосита акс этиши тарбиячининг шахс руҳиятидаги қабул қилиш қобилиятини ҳисобга олишга боғлиқдир. Тарбия методи шахснинг қабул қилиш қобилиятига мос келмаса, ҳуқуқий ахборот унинг онгига таъсир кўрсатмайди, ҳуқуқий таассурот онгга жойлашмайди. Масалан, кўзи ожиз кишининг қабул қилиш қобилияти кўриш билан эмас, балки фикрлаш, сезиш билан боғлиқдир. Ёки шўх болага тартиб - қонидани назарий тушунтиришдан кўра шўхлик оқибатларини кўргазмали қуроллар, экспонатлар, техник воситалар ёрдамида кўрсатилса, у ҳуқуқий ахборотни қабул қилади, ҳуқуқий онгни тезда шакллантиради. Демак, ҳуқуқий тарбия методларини танлашда тарбиячи шахс руҳиятида шаклланган қабул қилиш қобилиятини албатта эътиборга олиши керак.

Кузатувчанлик қобилияти ҳаммада бир хил ривожланмайди. Кузатувчан шахсларда ҳуқуқий ахборотни қабул қилиш тезлашади. Улар ёшлиқданоқ атроф-муҳитга кишилар хатти-ҳаракатига изчил эътибор бериб, уларни ўрганиб олишга интиладилар. Бу қобилиятнинг ривожланиши шахс истеъдодининг очилишига ёрдам беради. Тарбиячи кузатувчан шахсга кўпроқ эътибор бериши уни ўрганилаётган ҳуқуқий ҳужжат бўйича савол беришга ундаши керак.

Кузатувчан шахслар ёрдамида жамоага ҳуқуқий ахборотлар тартибли ва изчил равишда бериб борилса, унинг ҳуқуқий онги ҳам тарбия мақсадига мувофиқ равишда шаклланади. Масалан, гуруҳдаги айрим ўқувчилар юридик фактлар талқинли қилиб берилишини яхши кўришади. Чунки уларда кузатувчанлик қобилияти яхши ривожланган. Тарбиячи ўтилган ҳужжат бўйича бундай шахсларга мавзуга оид юридик фактларни ўрганиб келишни уйга вазифа қилиб топширишга ҳаракат қилади. Келаси дарсда эса унинг муҳокамасини амалга оширишда ижобий натижага эришади.

Шахснинг эса сақлаш қобилияти ҳам тарбиячи учун муҳим аҳамиятга эга. Эса сақлаш жараёни ёдлаш, унутмаслик, хаёлан тиклаш жараёнларидан ташкил топади. Тарбиячи шахснинг ёшига, меҳнат фаолиятига қараб, ёдлаш жараёнига таяниши керак.

Ҳуқуқий ахборот, ҳаракат воситалари шахс ёдида сақланиб қолиши кўп вақтда тарбиячининг маҳоратига боғлиқдир.

Ўқитувчи ҳуқуқий ахборот беришда дидактик методлар ёрдамида шахснинг фикрлаш фаолиятини фаоллаштиришга эришмоғи керак. Агар шахс кўрсатаётган, эшитаётган даврида фикрламаса, яъни диққат қилмаса, унда қонунга нисбатан тасаввур пайдо бўлмайди, демак, эътиқод тарбияланмайди.

Маълумки, тингловчиларнинг фикрлаш қобилияти ижтимоий онг даражаси билан боғлиқ, Синфларда баъзи ёшлар муаллимга қараб ўтиради-ю, лекин фикрлари бошқа нарсада бўлади. Бундай ҳолат катта ёшдаги тингловчиларда, айниқса масъул ходимларда учраб туради. Бунинг икки сабаби бор, ё ҳуқуқий ахборот «жонли» ташкил қилинмаган, ёки маърузачи ўз нутқини тингловчиларга етказа олмаган. Бундай ҳолатда педагог болаларга сездирмай, эътиборсиз тингловчиларга таъсир кўрсатиши керак.

Ҳуқуқ меъёрларини ижро эта олишни тарбиялашда билиш, ўқув ва одат қобилиятларига таяниш мақсадга эришишни осонлаштиради. Ҳуқуқ меъёрларини, янги қонун-қоидаларни ижро этиш назарий кўрсатмаларни амалий фаолиятга кўчиришдир. Қонуннинг кучи эса унга амал қилинишдадир. Айниқса, қонунийлик принципларига тўла ва изчил амал қилиш шахснинг билиш, ўқув, одат каби руҳиятли қобилиятлари билан бевосита боғлиқдир.

Қонун талабини ижро этишни билиш – уни қандай усулларда амалга оширишни ўрганиб олишдир. Халқ хўжалиги ва ижтимоий маданий қурилишининг ҳар бир соҳасида хизмат қилувчи кишилар ўз соҳасида фойдаланадиган тегишли қонун-қоидаларни, уларни ижро этиш усулларини ўрганиб олишлари шарт.

Қонунни ижро эта билиш қобилияти ўқув қобилияти ёрдамида такомиллашади, ўқув-шахс фаолиятида таркиб топган, автоматик такрорланувчи иш услубидир. Ўқув қонун ижросини осонлаштиради, вақтни, моддий сарф харажатини тежашга ёрдам беради, шахс фаолиятини такомиллаштиради. Ўқув жараёнида Ўзбекистон Республикасида мустақилликка эришилгандан кейин қабул қилинган 300 дан ортиқ қонунларнинг қайси бири шу шахсга тааллуқлигини билиб, ўз муаммоларини ечишда улардан фойдаланиш мумкин. Бу ҳар бир шахснинг ҳуқуқий саводхонлигини оширади.

Қонунни ижро этишда ҳуқуқий одатнинг аҳамияти каттадир. Жамият тараққиетида қонун-қоидалар ўзгариб туради. Агар шахс қонунларни ўрганиб боришга, қонун талабларини тўла ва аниқ бажаришга одатланган бўлса, унинг ҳуқуқий фаолияти қонунийлик принципларига доимо мос келади. Ҳуқуқий одат ҳаракатни амалда такрорлаш билан тарбияланади. Ижтимоий психология фани жамоанинг ижтимоий муносабат жараенида, унинг аъзолари фаолиятида вужудга келадиган сезги, фикр каби характер белгиларини ўргатади. Ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантиришда, давлат, меҳнат интизомини мустаҳкамлашда, топшириқ ва режаларни ўз вақтида сифатли бажаришни ташкил қилишда ижтимоий психологиянинг аҳамияти каттадир. Ижтимоий психология ва ҳуқуқ бир мақсад йўлида хизмат қилувчи категориялардир.

Маълумки, жамоада ижтимоий муносабатлар вужудга келади. Унга жамоанинг ҳар бир аъзоси бўйсунушга мажбурдир. Бу тартибот, жамоа аъзоларининг биргаликда интилиши, фикрлаши, ҳаракатига одатланиши, иш кўриши натижасидир. Жамоада ҳукмрон бўлган ижтимоий муҳит таркибида ҳуқуқий муҳит ҳам вужудга келадик, у ҳар бир жамоа аъзосининг ҳуқуқий меъерларга бўлган муносабати йиғиндисидир. Жамоада таркиб топган ҳуқуқий муҳит ундаги иштирокчиларда қонун-қоидаларга ҳурмат, ҳуқуқий қоидаларни бузувчиларга нисбатан эса нафрат уйғотади ва тўғри йўлга солади.

Ижтимоий психология ижтимоий муҳитни, шу муҳитда мавжуд бўлган жамоа аъзоларига таъсир кўрсатувчи қонуниятларни ўрганар экан, ундаги ҳуқуқий муҳитни ҳам ўрганади. Демак, ижтимоий психология билан ҳуқуқий онг узвий боғлиқ. Ҳуқуқий нормаларнинг жамоа ҳаётига кириб бориши, унинг аъзолари фаолиятида қўлланиши ижтимоий психология орқали ўтади ва у билан боғлиқ ҳолда қарор топади.

Билим юрти жамоаси олдида қўйилган вазифаларни амалга ошириш жараёнида жамоа аъзолари ҳамкорликда барча учун мажбурий бўлган иш шакл ва методларини ишлаб чиқишлари лозим. Бу иш методларида ишлаб чиқиш режалари технологияси, корхонанинг ички низоми ва бошқа қоидалар шахс фаолиятини тартибга солиш мезонлари вазифасини ўтайди. Натижада ишлаб чиқарувчи кучлар ва воситаларни ҳаракатлантирувчи ижтимоий муҳит вужудга келади.

Жамоа ижтимоий психологияси тарбия муҳитига айланади. Айрим жамоа аъзолари, янги ишга келганлар меҳнат фаолияти жараёнида ҳаммага одат тусига кириб қолган ижтимоий психологияга дуч келадилар ва унинг таъсирида умумий принципларга бўйсундилар. Масалан, Республикамизнинг айрим мактабларида ўқув тарбия, жамоат ташкилотларининг ишлари шундай яхши йўлга қўйилганки, бу мактаблар ҳудудига кирган киши ўзини беихтиёр мактаб муҳитига бўйсунтиришга ҳаракат қилади. Ҳаммаёқ озода ва тартибли, кишига иззат – ҳурмат кўрсатиш, унинг истагига ҳозиржавоблик, меҳмондўстлик, ҳаракат ва муносабатда интизом ва одоб сақлаш, бино ва хоналарнинг эстетик қиёфаси, жамоа ҳаётини акс эттирувчи дид билан ишланган диаграмма, панно ва кўргазмалар жуда ажойиб. Ҳар бир ўқитувчи мактаб директори ўрнида жавоб бера олади, чунки у ҳамма ишлардан хабардор. «Одам ўз табиатига кўра ижтимоий ҳодисадир», - дейди И.А.Каримов. Шу сабабли инсон учун

ислохотлар жараёнида ўз имкониятларинг мазмуни ва мақсадлари ҳақидаги тасаввурларни ислоҳларнинг амалий натижаларига қанчалик мос келиши ғоят аҳамиятга моликдир. Мактаб жамоасининг бир тан бир жон бўлиб иш кўриши шу жамоада яхши ном қолишига сабаб бўлади.

Ҳар бир жамоадаги ижтимоий психология мутахассисликка хос психологиядир. У тарбия муҳити сифатида, аввало, ўз хусусияти таъсирини ўтказди ва шахсда шу жамоанинг интилишини тарбиялайди.

Ватанимизнинг келажagini бугунги ёш авлод қўлига олишида, тарбия, тарбия ва янада тарбия энг долзарб, эртанги тақдиримизни ҳал қилувчи муаммога айланмоқда. Бу муаммоларни ҳал қилиш жараёнида барча муаллимлар, шу билан бир қаторда психолог ва ҳуқуқшунослар биргаликда иш кўришлари керак.

Республикамиз Президенти мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштиришда шах, унинг онги, руҳияти қай даражада эканлига катта эътибор беришни муҳим масалалардан бири деб ҳисоблайди. Ўзбекистон фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини танлаган экан, ана шу *инсон онги ва калби билан боғлиқ бўлган, уни ислоҳ қилиш, тирик, мавжуд инсонни «янгилаш, маънавий-руҳий «таъмирлаш» каби сермашаққат йўлдан борди. Бу ҳар бир қандай давлатдан жуда катта сиёсий қудрат, сиёсий маданият ва сиёсий ирода талаб этадиган буюк ҳодисадир*<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>) Ўзбекистон XXI асрга интилмо=да. Тошкент - «Ўзбекистон», 2000, 116 б.

### *Савол ва топшириқлар*

1. Ҳуқуқий тарбияда шахс руҳиятининг аҳамиятини изоҳлаб беринг.
2. Кузатувчанлик қобилияти нима.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.,2001.
2. И.А.Каримов. “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура”. Т.1 – Т.: “Ўзбекистон” 1996
3. И.А.Каримов. “Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин”. Т.: “Ўзбекистон”, 1998
4. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т.: “Ўзбекистон”, 2000
5. З.М.Гафаров, О.А.Каримова. “Методика правового воспитания и правового обучения”, Т.: “Ўқитувчи”, 1996
6. О.Каримова. “Ҳуқуқий тарбия методикаси”. Т.: “ТДПУ”, 2000

Низомий номли ТДПУ  
қошидаги ЮНЕСКОнинг «Фуқаролик  
таълим ва кадриятлар» кафедраси  
муздир проф. О.Каримова